



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

2011 йил
21 декабрь
ЧОРШАНБА
№ 101
(12.425)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz

■ ҚАРОР ВА ИЖРО

БАҒРИКЕНГЛИКНИНГ ЮКСАК НАМУНАСИ

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли, хусусан, жиноий жазо тизимини эркинлаштиришга доир ислохотлар юксак самаралар бермоқда. Қонунчилигимизда ҳалқимизга хос бағрикенглик ва кечиримлилик тамойиллари ўз ифодасини топаётгани инсон манфаатларини ҳимоялашга хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов тақдирнома-сига биноан шу йил 5 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн тўққиз йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги қарори қабул қилиниши инсонпарварлик тамойилининг амалдаги яна бир ифодаси бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Жазони ижро этиш бош бошқармасида мазкур қарор ижросига бағишланган йиғилишда шулар ҳақида гап борди. Унда Ўзбекистон Ички ишлар вазирининг ўринбосари А. Шодиев, Олий Мажлис Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси С. Ортиқова, Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) С. Рашидова, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари Х. Халимов ва бошқалар мамлакатимизда барча соҳаларда, хусусан, суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотлар, аввало, инсон манфаатларини таъминлашга, инсонпарварлик, меҳр-шафқат ва бағрикенглик тамойилларини мустаҳкам қарор топтиришга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Эркин фуқаролик жамияти барпо этилаётган мамлакатимизда улуг байрамларимиз арасида амнистия актининг қабул қилинаётгани бунинг яна бир амалий ифодасидир. Чунки билиб-билмай жиноят содир этган ва жазога тортилган, лекин кейинчалик хатосини тушуниб етган кўплаб шахслар шу асосда оиласи бағрига қайтади. Бундай бағрикенгликдан баҳраманд бўлган кишилар кўпинча қайта жиноятга қўл урмасликка, ҳалол меҳнат билан жамият раванқига ҳисса қўшишга ҳаракат қилади.

Йиғилишда Олий Мажлис Сенати қарорининг мазмун-моҳияти, ижросини таъмин-

лаш бўйича амалга оширилиши зарур бўлган чора-тадбирлар юзасидан батафсил маълумот берилди.

Ушбу амнистия акти очик-ошкоралик тамойиллари асосида қўлланилиши тартиб-таомилларида жамоатчилик назорати, хусусан, депутатлар корпусининг беғосита иштирокини таъминлаш юзасидан зарур чоралар кўрилади. Бу борада сенаторлар, депутатлар, Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (Омбудсманнинг) минтақавий вакилларида иборат ишчи гуруҳлари тузилган. Амнистияни қўллаш жараёни устидан жамоатчилик назоратини ташкил этиш институтининг шакллантирилгани мамлакатимизда жамиятни демократлаштириш жараёнида инсон ҳуқуқларини таъминлаш юзасидан нодавлат ташкилотларининг роли ва таъсири тобора ортиб бораётганидан далolatдир.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва "Маҳалла" жамғармаси масъул ходимлари, суд, прокуратура ва ички ишлар тизимидаги тегишли хизматлар раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этган йиғилишда мутасадди давлат ва нодавлат ташкилотлари ўзаро ҳамкорликда зарур ташкилий-ҳуқуқий тадбирларни ўз вақтида амалга ошириши зарурлиги қайд этилди.

Йиғилишда жазони ижро этиш жойларидан қайтиши кутилаётган шахсларнинг жамиятга мослалишига имкон бериш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, иш билан таъминлаш, ёлғиз ва ёрдамга муҳтожларга тегишли ёрдам кўрсатиш, воёга етмаганлар ўз ота-оналари ёки васийлик органларининг назоратига топширилиши, тиббий ёрдамга муҳтожларга соғлигини тиклаши учун шaroит яратишга оид чора-тадбирлар белгилан олindi.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎЗА мухбири.



ШАРТНОМАЛАР ВАҚТИДА БАЖАРИЛЯПТИ

Йил якунланмоқда. Катта-кичик корхоналар, ташкилот ва муассасаларда дастлабки сарҳисоблар натижасига қараб, меҳнат унумдорлигини кўтариш, маҳсулот сифатини яхшилаш чора-тадбирлари кўриляпти.

Бу мақсадларга эришишнинг асосий омилли – ишлаб чиқаришни модернизациялаш, янги техника ва технологияларни жорий этишнинг янги, истиқболли режалари ишлаб чиқилмоқда.

Хорижий инвестицияли йирик корхоналардан бири – "Максам-Чирчик" очик акциядорлик жамияти инженер-

техник ходимлари шундай қизгин ишлари билан дам олишди. Ишлаб чиқаришдаги эски, унумсиз машина-механизмлар янги, замонавий технологик ускуналар билан алмаштирилди. Натижада маҳсулот ҳажми ортиб бормоқда. 6500 га яқин ишчи-хизматчи шу кунларда ҳўжалик йилини муносиб якунлаш, ички ва хорижий

шериклар билан тузилган шартномаларни муваффақиятли бажариб, келишилган маҳсулотларни истеъмолчиларга вақтида ва тўлиқ етказиб бериш учун қизгин меҳнат қилишди. Олис-яқин манзилларга маҳсулотлар пайдар-пай жўнатилмоқда.

Даврон АҲМАД
олган сурат.

ЭЪТИБОР ВА ЭЪТИРОФ САМАРАСИ

"Соғлом авлод учун" хайрия жамғармаси айти кунда республикамизнинг тиббий-ижтимоий муассасалар, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари, "Меҳрибонлик", "Саховат" уйлари, махсус мактаб-интернатлари тарбияланувчиларини қўллаб-қувватлаш борасида талай ишларни амалга оширмоқда.

Яқинда жамғарма томонидан мазкур хайрия ишларини давом эттирган ҳолда "Меҳрибонлик" уйлари тарбияланувчилари учун дори-

дармон воситаларидан иборат мурувват юкларини топшириш маросимини ўтказди. Ундан кўзланган мақсад, ўсиб келаётган эрта-

миз эгаларини соғлом бўлиб воёга етишларини таъминлаш, айрим носоғлом муҳитда тарбияланаётган болаларни аниқлаб, уларга маъна ва руҳан кўмак бериш ҳамда иқтидорли тенгдошлари билан уларнинг дўстона муносабатларини ўрнатишга қаратилгандир.

"Туркистон-пресс".

■ ТАДБИР

ИСТЕЪМОЛЧИ ҲУҚУҚИ ДОИМИЙ ҲИМОЯДА

Инсон тириклик неъматларидан баҳраманд бўлиб яшаш ҳуқуқига эга. Бошқача қилиб айтганда, у истеъмол қиладиган неъматлар унинг саломатлиги, эмин-эркин яшаш

учун хизмат қилиши лозим. Бу жараёни назорат қилишда Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятларининг фаолияти муҳим аҳамиятга эга.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича етарли қонунчилик базаси яратилганлиги, мустақиллик йилларида юртимизда нодавлат нотижорат ташкилотларига катта эътибор қаратилаётганлиги қувонарли. Бугунги кунда 5100 дан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолият юритмоқда.

Таъкидлаганимиздек, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича Федерацияси улар орасида энг йирик ташкилотлардан ҳисобланади. Аҳоли ўртасида истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги амалдаги ҳужжатларни кенг тарғиб этиш, демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида иш олиб бориш Федерациянинг муҳим вазифаларидан саналади. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси, "Ўзстандарт" агентлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон касаба

уюшмаси Марказий Кенгаши ва бошқа жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида истеъмолчи ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг таъсирчан тамойилларини яратиш бўйича ишлаб чиқилган чора-тадбирлар асосида кенг фаолият юритилмоқда. Унга кўра, жойларда савдо-сотиқ, коммунал, почта-алоқа хизматлари, жамоат транспорти ва бошқа хизмат турлари бўйича муаммолар ўрганилиб, ҳамкор ташкилотлар иштирокида ҳал қилинмоқда.

Шундай тадбирлардан бири – давра суҳбати Чирчиқ шаҳрида бўлди. Унда жамоатчилик ташкилотлари ходимлари ва раҳбарлари қатнашди.

Федерация ва унинг ҳудудий тузилмаларига аҳолининг ишончи тобора ортиб бормоқда. – дейди истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари ҳудудий бирлашмаси раиси Гулчеҳра Аббосова. – Бунини истеъмолчилардан тушган жами 8367 та (5366 та ёзма, 2986 та оғзаки ва ишонч телефони орқали) шикоят ва аризалардан ҳам билиш мумкин.

Ушбу аризаларнинг 94 фоиздан кўпроги ижобий ҳал этилди. Истеъмолчилар кўрган моддий ва маънавий зарарлар федерация ва назорат қилувчи органлар ёрдамида қопланди.

Шу ўринда айтиш жоизки, аҳолининг истеъмолчи сифатидаги ҳуқуқий билим ва истеъмол маданиятини ошириш борасида Ўзбекистон Республикасининг "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуни, "Истеъмолчи кўтубхонаси" руқни остида чоп этилаётган қатор услубий қўлланмалар муҳим аҳамиятга эга. Федерация ташаббуси билан 2009-2010 йилдан бошлаб белгиланган тартибда академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқув дастурларига соҳага оид қонун ҳужжатларини ўрганиш бўйича махсус курслар киритилганлиги ҳам истеъмолчи ҳуқуқий доимий ҳимояда аҳолининг кўрсатди. Вилоятимиз шаҳар, туманларида ўтказилаётган давра суҳбатларида айнан истеъмолчи ҳуқуқига бўлган муносабатлар ўрганиб, чуқур таҳлил қилинмоқда.

Саида РАҲМОНОВА.

■ 2011 ЙИЛ – КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ЙИЛИ

«КАМОЛОТ» ВА ТАДБИРКОР ЁШЛАР

Мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида жисмонан соғлом ва маънаван баркамол авлодини тарбиялаш, уларда соғлом турмуш тарзи қўникма-

ларини шакллантириш, ўғил-қизларнинг билим олиши ва касб-ҳунар эгаллаши учун барча шарт-шaroитни яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ёшларнинг ижодий қобилиятини шакллантириш, истеъдодли йигит-қизларни қўллаб-қувватлаш мақсадида бир қатор нуфузли танловлар ўтказилапти. Бу борадаги ишларни янада такомиллаштиришда Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг муҳим ўрни бор.

Тошкент вилоятида ҳам ёшларнинг бўш вақтини маъмули ташкил этиш, уларда касб қўникмаларини шакллантириш мақсадида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати тасарруфиди унга яқин "Ёшлар ижтимоий хизмат марказлари" ташкил этилган бўлиб, улардаги ўттиздан зиёда тўғарақларда ёшлар турли йўналишлар бўйича билим олиб, касб-ҳунар сирларини эгалламоқда. Утган давр мобайнида ўн олтинчи нафардан ортиқ йигит-қиз мазкур тўғарақларда жалб этилди.

"Кичик бизнес ва хусусий

тадбиркорлик йили" Давлат дастури ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 28 июлда қабул қилинган "Таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони ижросини таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш орқали янги иш ўринлари ташкил этиш мақсадида коллеж битирувчиларига тадбиркорлик фаолиятини бошлашлари учун моддий ва маънавий кўмак берилмоқда.

– Ҳаракат томонидан бу борада қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда, – дейди "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент вилояти кенгаши бўлим мудири Мирзабек Тўшбоев. – Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш орқали иш ўринлари яратиш мақсадида Ўзбекистон Савдо-

саноат палатаси, тижорат банклари, солиқ ва таълим бошқармаси билан биргаликда барча туман ва шаҳарларда "Ёш тадбиркорлар мактаби" ташкил этилган. Утган давр мобайнида мазкур мактабларда 1,5 минг нафардан ортиқ битирувчи тадбиркорлик соҳасига оид билим ва қўникмага эга бўлди. Машгулотларда фаол иштирок этиб, ўз лойиҳаларини муваффақиятли ҳимоя қилган йигит-қизларга имтиёзли кредитлар берилмоқда.

2008 йилдан буюн "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банки ҳамда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳамкорлигида ёш тадбиркорларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни имтиёзли микрокредит маблағлари билан таъминлаш мақсадида "Ёш тадбиркор – юрта мададкор" лойиҳаси, 2009 йилдан буюн "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда "Агробанк" акциядорлик тижорат банки ҳамкор-

лигида "Ёш тадбиркор камолоти" – қишлоқ тараққиёти кафолати" танлови ўтказиб келинмоқда. Ёш тадбиркорлар олган кредитларнинг фоиз ставкалари "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан тўлаб берилапти.

Ҳаракатнинг вилоят кенгаши қошида ташкил этилган "Ёш тадбиркор" консалтинг маркази ёш тадбиркорларга ҳуқуқий маслаҳатлар бериш, уларнинг фаолиятида учраётган муаммоларни ҳал этиш билан шугулланапти. Мазкур марказга бугунги кунга қадар 48 нафар ёш тадбиркор мурожаат этган бўлса, улардан 26 нафарининг талаблари ижобий ҳал этилди. Шунингдек, ёшларнинг имтиёзли кредит олишларида амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда махсус ишчи гуруҳлар тузилган. Улар томонидан утган давр мобайнида кўриб чиқилган лойиҳаларнинг 32 таси бўйича имтиёзли кредитлар ажратилиш юзасидан тасвирлар берилди.

Янгиёуллик ана шундай изланувчан ёш тадбиркор Элшод Мирахмедовга жорий йилда ўз тадбиркорлик фао-

лиятини бошлаши учун 18 миллион сўмлик кредит берилди.

– Утган йили "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман бўлимига компьютерларга хизмат кўрсатиш соҳасида хусусий корхона очиб бўйича бизнес-режа тақдим этган эдим, – дейди Э. Мирахмедов. – "Ёш тадбиркор – юрта мададкор" танловида лойиҳамга "Микрокредитбанк" томонидан имтиёзли кредит ажратилди. Мазкур банк кредит фоиз ставкаларининг "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан тўланаётгани фаолиятини ривожлантиришда катта кўмак бермоқда. Юртимизда ишбилармонлар учун яратилаётган бундай имкониятлардан самарали фойдаланиб, келажакада фаолиятини янада кенгайтиришга ҳаракат қиламан.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан олиб борилаётган бундай саяёҳаракатлар мамлакатимиз ёшларини улкан марралар сари рағбатлантириб, излашни ва ташаббускорликка ундамоқда.

Лутфулла СУВОНОВ,
ЎЗА мухбири.

2012 ЙИЛ УЧУН
ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА.
«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»
газетаси индекси – 205.



ИПТРА" (ИНН 203577176) собственное образовательное учреждение № 44 Сергелиевского района предприниматель А. А. АЛИМЖАНОВ. АДВОКАТ НАДЕЖДА СЕРГЕЕВНА АЛИМЖАНОВА. Ташкент хакимати" № 49 от 2009 года. Имятия томонидан 2009 йил 11.04.01. АДВО" МЧЖ (ИНН 20120844) ТИ. Ишнинг бошлаб икки ой давомидан икки қабул қилинади. 2009 йил 11.04.01. Улугбекского района (ИНН 20120844) Ташкент, пл. Х. Алимжанова.

тахтонинг онги, шу
таъсир кўрсатиб, ўзи
мустақил Ўзбекистонга
отиқор тўйғусини кучай-
тириштириб яраша оэод
ни шугулланиб, ўз ба-
гага олатирадн. Шу му-
дан агарсонат ва тад-
асб-хунор коллежи ўқу-
ва Ражабовнинг газе-
килингн Ватан ҳақида-
идан куйидаги тўртлик-
иб ўтишини жоиз деб
за:
ла, ўзинг боқ,
ок, алам йироқ,
ёган чироқ,
дир, Ватанинг...

ро глобаллашув зулма-
нироқ – Ўзбекистон уни
ги мустақиллигини мус-
штиёкчида яшаётган ҳар
учун азиз, мўтабар,
нинг буюк келажак сари
илларини ҳеч қандай куч
ида. Батзи адашган ва
у берган имкониятдан
5, тўғри йўлга тушиб
ри кенг бу юрт улгарди
ди. «Оққўрғон овози»
ларидан бу фикр асосий
ламоқда.

Жўра Саъдуллаев,
«**Ҳақиқат**» муҳбири,

й.т. "Темир йул вокзали -
роҳона - 12-, 13-, 14-даха
-зали" (Бекобод ш.)
т. "УМК бозори - Фарҳод ма-
бод ш.)
т. "Ширинсой - УМК бозори
даха 90-уй" (Бекобод ш.)
т. "УМК бозори - ЭСҚК ор-
рхонаси" (Бекобод ш.)
т. "УМК бозори - Тугон бож-
Бекобод ш.)
т. "Янгиобод - УМК бозори
даха 82-уй" (Бекобод ш.)
й.т. "УМК бозори - М. Тур-
ласи" (Бекобод ш.)
акет билан:
ибозор АШБ - А. Ясавий
гент АШБ - Чотқол кишлоғи
(Паркент томондан)
акет билан:
акет АШБ - Машинасозлар
ибозор АШБ - Қўйлиқ АШБ"
акет билан:
"Чингелди кишлоғи - Қўйлиқ
"Ўнқўрғон кишлоғи - Чимён
"Чингелди кишлоғи - Гео-
и - ПТЗ"
"Байқўрғон кишлоғи - Ма-
"

аро (вилоят ичиди) йўналишларда йўлчилар таъшини таъкил этиш вилот комиссиясига тендер ҳужжатлари пакети оили уун Тошкент вилоти ҳокимчилигининг йўлчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаменти ҳисоб рақамига "Узсанот-қурилиш Банк" (ОПЕРО ТРФ УЗПСБ)нинг Тошкент шаҳридаги Минтакавий бўлими 20210000404661167001 (банк коди 00424, ИНН 300625470, ХХТУТ 51600) га энг кам ойлик ш ҳақининг 2 баробари миқдориди пул ўтказиб, 2012 йил 19 январь соат 18.00 гача буюртма берилишлари лозим.

ахшарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташлиши ташкил этиш вилоят комиссияси тендер таклифларини 2012 йил 23 январь соат 18.00 гача қабул қилади.

... (т. 1) 294-92-43.

...е хокиятимот Алмазарского
...шения уставного фонда
...ИТРА" (ИНН 203577176) сооб
...нное образовательное учреж
...4 Сергеевского района пре
...ОТОНАВАСКОРЛАТ СЕРГЕ
...ТЬ НЕДЕВИТЕЛЬНЫМ
...Тошкент хакияти" № 49 о

...иоти томонидан 2009 йил
...AVDO" МЧЖ (ИНН 30120844
...ТИ,
...дан бошлаб икки ой давомид
...и кабул қилинади.

...Улуғбекского района (ИН
...: Ташкент, пл. Х. Алимжана

XXI ва
XXII аср дунёАРАБЛАР – AIR BERLIN
АКЦИЯДОРЛАРИ

Германиянинг йўловчи ташувчи йирик авиакомпаниялари орасида иккинчи ўринда турувчи Air Berlin компанияси Бирлашган Араб Амирликларининг Etihad Airways компанияси унинг йирик акциядорига айланишини маълум қилди.

Энди Etihad немис авиакомпаниясининг 29,21 фоиз акциясига эга. Etihad ўз улушини кўпайтириши учун Air Berlin янги акциялар чиқаради. Янги қимматбахоз қозғаларнинг қиймати 2,31 евро бўлиб, битимнинг умумий суммаси 53 миллион доллар. Etihad аввал немис компаниясида 2,99 фоиз улушга эга эди.

Air Berlin оғир молиявий аҳволга тушиб қолгани шундай битим тузилишига сабаб бўлди. Etihad учун эса ушбу битим Европанинг кенг бозорига кириш имко-



нини яратди. Энди иккала компания иттифоқ бўлиб ишлайди ва йилга 40 миллион йўловчи ташийди.

Араб авиакомпанияси ижрочи директорининг гапига қараганда, ушбу битим Etihad тарихида энг аҳамиятлиси бўлди.



Agence France-Presse агентлиги Филиппинда юз берган сув тошқинлари 652 кишининг умрига зомин бўлгани ҳақида хабар тарқатди.

ШАҲАРЛАР ВАЙРОН,
ҚИШЛОҚЛАР
СУВ ОСТИДА

Агентлиқнинг Қизил Хоч баёнотига таяниб ёзишча, яна 808 киши бедарак йўқолганлар рўйхатидан жой олди. Филиппин архипелагининг жанубидаги Минданао ороли қирғоқларига етиб келган кучли "Уоши" тропик пўртанаси жала ва сув тошқинларига сабаб бўлди.

Хабарларга қараганда, кучли сув оқимлари шаҳарларни вайрон қилди, бутун-бутун қишлоқларни ювиб кетди. Табиий офат кўплаб ороликларни гафлатда қолдирди. Чунки, сув ва тоғдан тушган лойқа оқим тунда уйлари босди. Кўпчилик аҳоли қаттиқ саросимада нима қиларини билмай, офат қурбонига айланди.

Кагаян-де-Оро ва Илган шаҳарларида, айниқса, кўп одам ҳалок бўлди.

КУРАШ

МАҚСАД – ТЕРМА ЖАМОА
ТАРКИБИНИ БОЙИТИШ

"Жар" спорт-соғломлаштириш мажмуида кураш бўйича Ўзбекистон кубоги мусобақаси бўлиб ўтди. Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Кураш миллий федерацияси ҳамкорлигида миллий спортимизни янада омма-

лаштириш, терма жамоамиз таркибини иқтидорли ёш полвонлар билан бойитиш мақсадида ташкил этилган мусобақада юртимизнинг барча ҳудудларидан 150 нафарга яқин полвон голиблик учун беллашди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида миллий қадриятларимизни тиклаш, асраб-авайлаш ва ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор самарасида халқимизнинг миллий спорт тури – кураш халқро микёсда кенг оммалаштирди.

Ўзбекистон кубоги бахсларида ёш, истеъдодли спортчилар билан бирга халқро майдонларда ўзини синаян тажрибали полвонлар ҳам қатнашгани беллашувларнинг кескин ва мurosасиз ўтишини таъминлади.

– Вазни 90 килограммгача

бўлган полвонлар баҳсида қорақалпоғистонлик рақибимга қарши гиламга чиқиб, ғалаба қозондим, – дейди "Ислам Каримов" анъанавий халқро турнирининг кумуш медали совриндори, қашқадарёлик Зафар Бўриев. – Кураш билан шуғулланувчилар сафи тобора кенгайиб, рақобатчиларимиз кўпайиб бораётгани кувонарли ҳолдир. Чунки бу кураш бўйича ҳаҳон микёсда ўтказилаётган нуфузли мусобақаларда Ватанимиз шарофтини ҳимоя қилишга энг муносиб полвонларни саралаш имконини беради.

Мусобақанинг шахсий беллашувларида андижонлик Ша-роф Лутфуллаев, бухоролик Ҳамид Умидов, Фаёз Файзуллаев, Илғор Асадов, Тошкент вилоятидан Бехзод Бойқалди-ев, Соҳиб Қурбонов ва қашқадарёлик Зафар Бўриев шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Хотин-қизлар баҳсида пойтахтлик Наргиза Ҳамдамова, Розия Рўзимуродова, самарқандлик Нодира Гулова ва сурхондарёлик Қудуз Қушбоқова олтин медални қўлга киритди.

Байрам АЙТМУРДОВ,
ЎзА мухбири.

ҲИТОҲ

ТАБИАТ ОТА-БОБОДАН
ҚОЛГАН МЕРОС ЭМАСёҳуд Роғун гидроэлектр станцияси
қуни келганда портлайдиган мина

Мутлақо ноқерак, ноқо-из ишга қўлаётган, аммо, ўзининг ҳаёлий ҳақлигига ёпишиб олиб, қайсарлик қилаётган кимсалар билан сўзлашиб, гап ўқтириш нақадар оғир. Агар бу кимса билиб туриб ўз виждонига қарши бораётган бўлса, янада ёмон.

Фараз қилайлик, сизнинг уйингиз, томоққангиз сув тўла каналнинг бошида жойлашган. Оқим этагида жойлашган бир неча хонадон ҳам шу сувдан фойдаланади. Сугориш мавсуми айлани қизиган паллада сиз, айттайлик, балиқ боқишни ёки боқаларингиз учун чўмилтиш ҳавзаси барпо этишни истаб қолдингиз. Табиийки, ҳовуз қазийсиз, тўғон қура-сиз ва ҳавза сувга тўлишни нутқасиз. Бу орада эса қўшни ва маҳалладошларингизнинг фиғони фалакка чиқади. Негаки, айлани керак пайтда сув бўлмагани учун уларнинг экинлари қовжир-раб кетди. Сув танқислиги боис бошқа муаммолар ҳам туғилди. Бироқ, энг ёмони, қўшниларингиз билан орангиз бузилди. Бунинг ҳаммасига сизнинг худбинлигингиз, яъни ҳамон қўлоқнинг бошида эканман, умумфойдаланишдаги сувни ўзим хоҳлаганимдек ишлатишга ҳаққим бор деб нотўғри уйлаганингиз, атрофингиздагиларнинг манфаатларини назар-писанд қилмаганингиз сабаб бўлди.

Агар бундай вазият давлатларо даражада содир бўлса, оддий канал эмас, бир неча даражанинг "эгаси" ҳокимият тепасида турган, бунинг устига ўзига бино

қўйган шахс бўлса, иш мутлақо бошқача, янада жиддий ва таҳлилкали тус олади.

Тожикистондаги Роғун ГЭСи қурилиши билан боғлиқ вазият ҳозир айнан шундай. Мамлакат раҳбари Имомали Раҳмон бу иншоотни қандай бўлмасин охиригача қуриб битказмоқчи. Ҳатто, ўз халқининг қонуний манфаатини қурбон қилиб бўлса ҳам. Лоақал, Роғун ГЭСи акциялари бутун Тожикистон аҳолисига мажбуран тикштирилганини эсланг. Халқ эса, бусиз ҳам камбағаллик ва етимовчиликдан қийналиб ётибди. Мамлакатнинг соғлом, айлани кучга тўлган, тирикчилик учун бироз бўлсада пул топиш илмингизда уйларида анча йироқларда инсон қадрини оёқ ости қилувчи, ҳатто, ҳайвонларга ҳам раво қўриб бўлмайдиган оғир шароитларда ишлашга мажбур бўлган юз минглаб ёшларнинг аҳолини томошубан сифатида жимгина қазатаётган олий мансабдаги амалдорлар республика иқтисодиётининг, биринчи галда қишлоқ хўжалигини кўтариш ўрнига Роғун ГЭСи қурилишига ёпишиб олишган. Мамлакатнинг кўплаб туманларида хавфли эпидемия, жумладан, ичкетар ва сил касалликлари тарқалган, қишлоқлардаги аксарият оилалар тўйиб овқат емаётган, бутун мамлакатни қуролланган газандалар, коррупцияга ботганлар ва наркобононлар, ҳатто, шунчаки, безорилар бошқариб, аввалги тузумдан

нимаки мерос қолган бўлса, ҳаммасини талаб кетаётган бир пайтда "аср қурилиши"ни бошлаш, жўн қилиб айтганда, бориб турган калтабинликдир. Қолаверса, бу мутлақо одобсизликдир.

Балки, кечагина совхоз бошқарувига раислик қилган раҳбар бутун ҳокимият тепасида обдон мустаҳкам ўрнашиб олиб, ўзини "шахноша" фахмлаётгани рост-қу? Энди унга ён қўшниларнинг ҳам, нуфузли олимларнинг ҳам, халқро ташкилотларнинг ҳам фикр-мулоҳазалари бир пуддир? У яхши кўрадиган советларда даражада бу масала сонгини хал бўларди.

Аслида, дарё бошидаги мамлакат сунинг ўз эҳтиёжи учун етарли бўлган қисмидангина фойдаланиб, қолганини оқим этагида яшаётганларга қолдириши лозим. Ҳар ҳолда, халқро қонунларда бу аниқ-тайин белгилаб қўйилган.

Уйлаймизки, мамлакатларо даражлардаги сув оқимини аниқ ҳисоблаб чиқиш ва одилона тақсимла-нишни таъминлаш зарура-ти пишиб етилди. Бироқ, бу муҳим ижтимоий-сиёсий ишни шунчаки, қўлга қал-қулар оқиб тахминан қилиш эмас, балки нуфузли олимларни, эътироф этилган халқро ташкилотларни жалб қилиш зарур. Токи, Роғун ГЭСи қурилиши оқибатлари ҳусусида тўла ва аниқ тасаввурга эга бўлиб, кенг жамоатчиликка ҳам етказилсин.

Қайрат ТАСТЕМИРОВ.
www.centrasia.ru.

ДАЙДИ ХАТ ЎТТИЗ УЧ ЙИЛДА КЕЛДИ

1978 йилнинг октябрида Атлантадан Аляскага жўнатилган хат ниҳоят, кўрсатилган манзил – Анкориджа етиб келганини маълум қилди KTVU-TV.

Маҳаллий почта ходимларининг айтишича, бу хат 33 йил давомида қаерда бўлгани, нима учун йўлларда "санкиб" юрганидан улар беҳабарлар. Почта бўлими хизматчилари ҳозир бу дайди хат босиб ўтган йўллари аниқлашнинг илоҳий йўқлигини таъкидлашди. 1978 йил тағмаси босилган хат эр-хотин Жеймс ва Бетти Уилсон-

ларга жўнатилган эди. Хат эса, Жеймсининг қариндошларидан бўлиб, уни олишга улгурмай, 2011 йилнинг эида вафот этди. Жеймсининг беваеси Бетти ҳозир Арканзасда яшайди. У Анкориджадаги уйларига кўчиб қирган дугонаси Норма Макдоналддан юқоридаги хат келганидан



хабар топди. Яқин кунларда Бетти Уилсоннинг қизи унинг хузурига – Арканзасга келмоқчи. У 33 йил йўл босган хатни онасига етказиб бермоқчи.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

ҲАНГОМА

ҚАЙТАР ДУНЁ

Шавкат таксомотор саройида бир неча йиллардан буён ҳайдовчилик қилади. Дунёнинг ишларини қарангки, йирирма иш илари мактабда дарс берган Ҳулом ака бугун таксомотор саройида ёқилги қулоғи бўлиб ишга келибди.

Шавкат бунга эътибор бермаганди. Ҳулом аканинг машиналарга икки-уч литр кам бензин қуйиши унинг ўтган кунларини ёдига солиди...

Шавкат мактабда ўқиб юрганида ўртоқлари қатори шўх эди. Синф раҳбари Ҳулом ака ҳар гал дараса қилиб, тўғри Шавкатнинг олдига келарди-да, бошича бармоғини никтаб, "Тошга ёмғир қор қилурми, муттасил ёққан билан, сенга гап тасвир қилурми, муттасил айтган билан" дейишни қўймади. Бу гап Шавкатнинг дили қатида муҳрланиб қолганди.

Қайтар дунё деганларидек, Ҳулом аканинг бензиндан "уриб" қолиши қўпчилик қатори Шавкатни ҳам ранжитарди. У Ҳулом акага бир неча бор бунни эслатди. Бироқ, у қишга гап тасвир қилмагач, бир кун: – Ҳулом ака, "Тошга ёмғир қор қилурми, муттасил ёққан билан, сизга гап тасвир қилурми, муттасил айтган билан", – деганида у киши Шавкатга қараб, бақадек қотиб қолди.

Аҳмаджон РИХСИБОВ.



caricatura.ru

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Убайдулла
АБДУШОҲИДОВ

Маъналимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Телефонлар:
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54.
Эълонлар: 236-55-03, 236-55-59.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета "Тошкент ҳақиқати" таърихияти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Навбатчи муҳаррир
Жўра САБДУЛЛАЕВ
Навбатчи
Равшан ОМОНОВ
Саҳифаловчи
Тоҳир МАҲМУДУЖАЕВ